



The current state and future prospects of prosecutorial oversight in ensuring forestry law compliance

Bakhtiyor MAMADALIEV¹

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received March 2025
Received in revised form
15 April 2025
Accepted 25 April 2025
Available online
25 May 2025

Keywords:

prosecutor's office,
state of legality,
forest protection,
prosecutorial oversight,
digitalization and
monitoring,
"Smart Forestry" platform,
statistical and information-
analytical reporting,
illegal logging,
forest fires,
administrative and criminal
liability,
environmental safety,
state forest fund and its
management,
improvement of legislation,
cadastre and geodata,
efficient use of resources.

ABSTRACT

This article is a comprehensive analysis of the implementation of the prosecutor's office's law enforcement and oversight functions in the field of forest protection. The article defines the role of the prosecutor's office in strengthening the rule of law and advocates for a comprehensive quantitative and qualitative approach to assessing the state of legality in the field of forestry. Based on information-analytical and statistical data, the authors, when determining the level of control, separately identify the following indicators: the number of identified offenses, their structure and dynamics, interregional distribution, as well as proposals for improving legislation. The article also describes the main problems in the field of forest protection as forest fires, illegal logging, violations of budgets and contracts, shortcomings in pest control, and a legal and technical shortage of monitoring and digitalization systems. At the same time, it was noted that the insufficiency of the existing statistical base and the lack of procedural and legal significance of digital data limit the possibilities of assessing legality.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss4/S-pp690-706>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Independent Researcher, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan.
E-mail: trendoffer9@gmail.com

Ўрмон хўжалиги қонунийлигини таъминлаш соҳасидаги прокурор назоратининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

прокуратура, қонунийлик ҳолати, ўрмонларни муҳофаза қилиш, прокурор назорати, рақамлаштириш ва мониторинг, «Ақлли ўрмон хўжалиги» платформи, статистика ва ахборот-таҳлилий ҳисоботлар, ноқонуний дарахт кесиш, ўрмон ёнғинлари, маъмурий ва жиноий жавобгарлик, экологик хавфсизлик, давлат ўрмон фонди ва унинг бошқаруви, қонунчиликни такомиллаштириш, кадастр ва геодалиллар, ресурслардан самарали фойдаланиш.

Мазкур мақола прокуратура фаолиятининг қонунийликни таъминлаш ва назорат функцияларини ўрмонларни муҳофаза қилиш соҳасида амалиётга татбиқ этиш мавзусидаги мукамал таҳлил ҳисобланади. Мақола прокуратуранинг қонун устуворлигини мустақамлашдаги ўрнини белгилаб, ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунийлик ҳолатини баҳолаш учун миқдорий ва сифат кўрсаткичлар жиҳатидан комплекс ёндашув зарурлигини илғорлайди. Ахборот-таҳлилий ва статистик маълумотларга таянган ҳолда муаллифлар назорат савиясини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичларни алоҳида белгилайди: аниқланган ҳуқуқбузарликлар сони, уларнинг структураси ва динамикаси, ҳудудлараро тақсимооти ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар. Шунингдек, мақолада ўрмонларни муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий муаммолар — ўрмон ёнғинлари, ноқонуний кесишлар, бюджет ва шартномаларни бузилишлари, зараркундаларга қарши курашдаги камчиликлар, мониторинг ва рақамлаштириш тизимларининг ҳуқуқий ва техник жиҳатдан етишмаслиги сифатида тасвирланган. Шу билан бирга мавжуд статистик базанинг етарсизлиги ва рақамли маълумотларнинг процессуал-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмаётгани қонунийликни баҳолаш имкониятларини чегаралаётгани қайд этилган.

Современное состояние и тенденции развития прокурорского надзора в области обеспечения законности лесного хозяйства

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

прокуратура, состояние законности, охрана лесов, прокурорский надзор, цифровизация и мониторинг, платформа "Умное лесное хозяйство", статистические и информационно-аналитические отчеты, незаконная вырубка деревьев, лесные пожары, административная и

Данная статья представляет собой исчерпывающий анализ внедрения в практику функций прокуратуры по обеспечению законности и надзора в области охраны лесов. Статья определяет роль прокуратуры в укреплении верховенства закона и продвигает необходимость комплексного подхода с точки зрения количественных и качественных показателей для оценки состояния законности в лесном хозяйстве. Опираясь на информационно-аналитические и статистические данные, авторы при определении уровня контроля отдельно выделяют следующие показатели: количество выявленных правонарушений, их структуру и динамику, межрегиональное распределение, а также предложения по совершенствованию законодательства. В

уголовная
ответственность,
экологическая
безопасность,
государственный лесной
фонд и его управление,
совершенствование
законодательства, кадастр
и географические,
эффективное
использование ресурсов.

статье также описываются основные проблемы в области охраны лесов - лесные пожары, незаконные рубки, нарушения бюджета и контрактов, недостатки в борьбе с вредителями, правовая и техническая нехватка систем мониторинга и цифровизации. Вместе с тем отмечается, что недостаточность имеющейся статистической базы и отсутствие процессуально-правового значения цифровых данных ограничивают возможности оценки законности.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фаолияти моҳиятан ҳуқуқни қўллаш ва назорат функцияларининг яхлит тизимини ташкил этади. Унинг асосий мақсади демократик ҳуқуқий давлатнинг фундаментал тамойили ҳисобланган қонун устуворлигини изчил ва қатъий таъминлашдан иборат. Прокуратура ўзига юклатилган вазифалар доирасида инсон ва фуқаронинг олий ижтимоий-ҳуқуқий қадриятлар сифатида эътироф этилган ажралмас ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлайди. Шунингдек, конституциявий тузум ва ҳуқуқ-тартиботнинг барқарор фаолият юритишининг ажралмас унсурлари бўлмиш жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилади.

Илмий адабиётларда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида прокуратура органларининг қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш ва аниқланган қонунбузарликлар юзасидан тегишли таъсир чораларини кўриш бўйича фаолиятини самарали ташкил этиш қонунийлик ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилишни тақозо этиши умумэътироф этилган қоида ҳисобланади. Шу билан бирга, мамлакат ўрмон хўжалигининг ҳолатини акс эттирувчи статистик маълумотлар ўрмон қонунчилиги нормаларининг ижро этилиши даражаси билан бевосита боғлиқдир.

Қонунийлик ҳолати ҳуқуқшунослик фанидаги бошқа таърифлар билан бир қаторда “ўрганилаётган даврларда қонунийлик талабларининг амалда бажарилишини (ёки мос келмаслигини) акс эттирувчи, миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тўплами”[1], деб ҳам тушунилади. Қонунийлик талаблари ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари (давлат органлари, мансабдор шахслар, бошқа органлар ва шахслар) томонидан қонунларга бўйсунмиш, ва уларнинг кўрсатмаларини бажаришдан иборат[2].

Бизнинг фикримизча, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги қонунийлик ҳолатини маълум бир вақт оралиғида ушбу соҳадаги ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш даражасини тавсифловчи миқдорий ва сифат кўрсаткичлари мажмуини ўз ичига олган комплекс ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, қонунийлик ҳолати деганда биз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ўрмонларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ушбу соҳада ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга бевосита масъул бўлган вазифадор давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилишининг амалдаги даражасини тушуниш лозим.

Рус олими Ю.Е.Винокуровнинг фикрича “қонунийлик ҳолати” деганда жиноий ва жиноий бўлмаган характердаги қонунларнинг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг ҳолати тушунилади[3].

Қонунийлик ҳолатини таъминлашнинг самарали усулларида бири бу прокурор назорати бўлиб, у махсус ваколатли мансабдор шахслар – прокурорларнинг давлат номидан қонунларнинг аниқ ижро этилиши ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш бўйича ўз вақтида аниқлаш ва уларга қарши чоралар қўриш ва ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, айбдорларни жавобгарликка тортиш бўйича амалга ошириладиган фаолиятidir[4]. Назорат ҳолатининг ўзи қуйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади:

биринчидан, назорат қилинадиган ҳудудда аниқланган ўрмон муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар сони;

иккинчидан, ушбу соҳада прокурорлар томонидан аниқланган тузилма, динамика ва энг типик қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотлар;

учинчидан, аниқланган ҳуқуқбузарликларни ҳудудлар бўйича тақсимлаш;

тўртинчидан, қонунийлик ҳолатини яхшилаш ва қонунийликни таъминлаш усули сифатида ўрмон қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича таклифлар.

Прокуратура органларининг фаолиятини баҳолаш бир қатор муҳим мезонларга асосланиши лозим. Булар орасида прокурор томонидан қўлланилаётган чораларнинг аниқланган ҳуқуқбузарликлар хусусиятига мувофиқлиги, уларнинг амалий самарадорлиги, шунингдек, киритилган ва қаноатлантирилган эътирозлар нисбати, судга юборилган ва қаноатлантирилган аризалар (даъволар) сони, жумладан етказилган зарарни қоплаш кўрсаткичлари алоҳида аҳамият касб этади.

Ўрмон хўжалиги қонунчилиги ижроси устидан прокурор назорати бир томондан умумий назорат институтига хос бўлган умумий хусусиятларга эга бўлса, бошқа томондан ўрмоннинг муҳофаза объекти сифатидаги ўзига хос табиий ва ҳуқуқий хусусиятлари билан белгиланадиган ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Шу муносабат билан ўрмон қонунчилиги ижроси соҳасидаги прокурор назоратини прокуратура органларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўрмон қонунчилиги нормаларига аниқ риоя этилиши ва бир хилда қўлланилишини таъминлашга, шунингдек, ўрмон ҳуқуқий муносабатлари соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, жумладан уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини кафолатлашга қаратилган фаолияти сифатида белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Ўрмон хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилишда алоҳида прокуратура ваколатига кирувчи ҳудуд ёки объектдаги қонунийлик ҳолатини таҳлил қилишга асосий эътибор қаратиш лозим. Зеро, бу прокурор назорати самарадорлигини тўғри баҳолаш, фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаш ва белгиланган мақсадларга эришиш учун қонунийлик ва тартиб ҳолатининг ҳақиқий ҳолатидир.

Прокуратура давлат органи сифатида қонунийлик кафолатлари механизмида алоҳида ўрин тутати. Прокуратуранинг мақсади қонун устуворлигини, бирликни таъминлаш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, асосий вазифаси эса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя этилишини

ва Ўзбекистонда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишдир[5].

Демак, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва асраш соҳасидаги прокурор назоратининг ҳолати маълум даражада кўриб чиқиладиган ҳудудда қонунийлик ҳолатини кўрсатади.

Прокурор назорати фанида узоқ вақтдан бери фақат статистик кўрсаткичлар, масалан, прокурорларнинг ахборот-таҳлилий фаолияти прокурор назорати ҳолати тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун ҳақиқий қимматли амалий аҳамиятини камайтирмайди, деган фикр шаклланган. Олимлар доимий равишда қўшимча “прокуратура фаолиятининг расмийлаштирилган эксперт баҳоларини” ишлаб чиқмоқдалар, бу прокуратуранинг мақсадлари, вазифалари ва реал имкониятларини бузиб кўрсатиш орқали хавфли бўлган субъективизмни камайтиради[6].

Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати қонунийлик ҳолатини таҳлил қилишда, биринчидан, прокуратура чораларининг аниқланган қонун бузилишларининг хусусиятига мувофиқлиги, иккинчидан, прокуратура жавоб чораларининг самарадорлиги[7] каби нуқтаи назарлардан амалга оширилиши керак.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги прокурор назоратининг ҳолатини жинойтчиликнинг ҳолати ва динамикаси, унинг таркибий хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларини ушбу соҳада қонунийликни таъминлашга қаратилган прокурор чора-тадбирлари мажмуаси билан биргаликда таҳлил қилиш орқали тавсифлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирда ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунийлик ҳолатини таҳлил қилиш имконини берадиган етарли статистик ҳисобот мавжуд эмас. Шу билан бирга, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва асраш соҳасидаги назорат прокурорлик ва назорат амалиётида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назоратнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қаралишини ҳисобга олиб, мавжуд статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида жинойтчиликнинг умумий тенденциялари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш зарур.

Ўрмон хўжалиги соҳасидаги прокурор назорати статистик ҳисоботларнинг биринчи умумий кўрсаткичлари ушбу фаолият соҳасида назорат ишларини кучайтириш зарурати ва жуда долзарб масала эканлигини кўрсатди.

Қоида тариқасида, ушбу фаолият соҳасидаги режалаштирилган тадбирлар ўрмонларни ёнғинлардан, ўрмон плантацияларини ноқонуний кесишдан ҳимоя қилиш, ўрмонларни ривожлантириш соҳасидаги устувор инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя қилиш, шунингдек, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва асрашга ажратилган бюджет маблағларининг сарфланиши масалаларини ўз ичига олади.

Шу ўринда, қуйида мамлакатимизда ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш ҳолати ҳақида батафсил тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир[8]. Ўрмон фонди ерлари 11,9 млн. гектарни, яъни Республика умумий ер майдонининг 26,4 фоизи (2017 йилда 10,5 млн гектар, 23,4 фоиз)ни ташкил қилади, шундан ўрмонзорлар майдони 5,3 млн. гектар (11,8 фоиз), шу жумладан, ўрмон билан

қопланган ер майдони 3,5 млн. гектарни, яъни Республика умумий ер майдонининг 7,7 фоизи (2017 йилда 3,1 млн гектар, 6,9 фоиз)ни ташкил этади. Умумий майдоннинг 3 468 856 гектари ўрмон билан қопланган майдон (шундан, 2 270 465 гектар табиий, 1 198 391 гектар маданий ўрмонзорлар), 1 036 205 гектар туташмаган ёш ўрмонзорлар, 1 349 гектар ўрмон кўчатхоналари, 640 759 гектар сийрак қопланмаган ўрмонзорлар, 174 637 гектар тақир ерлар, 22 142 гектар экин ерлар (шундан, 9 589 гектар лалми, 12 553 гектар суғориладиган), 32 868 гектар пичанзорлар, 2 632 818 гектар яйловлар, 4 155 гектар боғлар, 33 527 гектар ариқ-зовурлар, 7 681 гектар йўллар, 4 890 гектар аҳоли яшаш жойлари, 893 гектар ботқоқликлар, 90 336 гектар қумликлар, 3 323 гектар музликлар, 3 703 690 гектар бошқа фойдаланилмайдиган ерлардан иборат. Ўрмон фондининг 81,8 фоизи (9 701 418 гектар) чўл ҳудуди, 13,7 фоизи (1 618 578 гектар) тоғ ҳудуди, 4,2 фоизи (503 147 гектар) тўқай ҳудуди, 0,3 фоизи (34 987 гектар) водий ҳудудидан иборат. Ўрмон хўжалиги агентлиги тизимида 63 та давлат ўрмон хўжаликлари ва 12 та дориворчиликка ихтисослашган давлат ўрмон хўжаликлари ва 4 та ўрмон ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритади ҳамда уларнинг умумий ер майдони 6,6 млн гектарни (умумий ўрмон фондининг 55 фоизи) ташкил этади. Қўриқхоналар, миллий табиат боғлари, ўрмон-ов хўжаликлари, ўрмон тажриба хўжаликлари Экология вазирлиги тасарруфида бўлиб, уларнинг умумий майдони 5,3 млн гектардан (умумий ўрмон фондининг 45 фоизи) иборат.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 декабрдаги 993-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида ўрмон фондининг 78,8 минг гектар ер майдонлари 7 минг 430 та юридик ва жисмоний шахсларга ижарага берилган бўлиб, 2023 йилда шартнома шартларини бажармаган, ижара тўловини тўламаган ва ердан фойдаланмаган ёки самарасиз фойдаланаётган 753 нафар ижарачилардан 30 минг гектар ер майдонлари белгиланган тартибда қайтариб олинишига эришилди[9].

Ўрмон фонди ер майдонларида ўрмонларни кенгайтириш тадбирларини амалга ошириш ва ўрмон билан қопланганлик даражасини ошириш бўйича доимий равишда мониторинг юритишни йўлга қўйиш чора-тадбирларини белгилаш мақсадида ўрмон барпо этиш, ўрмонларни кўпайтириш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, ўрмон хўжаликлари томонидан доимий равишда мониторинги юритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонида Республикада ўрмон билан қопланган майдонларни 6,1 мил. гектарга етказиш белгиланган.

Ўрмон фонди ер майдонларида ўрмонларни кенгайтириш, ўрмон билан қопланганлик даражасини ошириш бўйича доимий равишда ўрмон барпо этиш, ўрмонларни кўпайтириш ишлари амалга ошириб боришда. 2023 йилда Самарқанд, Жиззах ва Фарғона вилоятлари ҳудудидаги ўрмонзорлар майдони, чегаралари ва уларнинг ҳолатини аниқлаш юзасидан “Ўзбеккосмос” агентлиги билан шартнома тузилиб, ўрмонзорлар майдони ва ҳолатини сунъий йўлдош орқали аниқлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 2024-2025 йилларда босқичма-босқич қолган ҳудудларда ҳам ўрмонзорлар майдони ва ҳолатини

сунъий йўлдош орқали аниқлаш ишларини амалга ошириш бўйича “Ўзбеккосмос” агентлиги билан шартнома тузилди.

“Яшиллойиҳа” лойиҳалаш институти томонидан ўрмон хўжаликларидида ўрмон тузиш ишларини сунъий йўлдош технологиялари асосида географик ахборот тизимларини (ГИС)[10] жорий этиш, ўрмон дарахтлари бўйича маълумотлар базасини сунъий йўлдош тасвирлари асосида шакллантириш ишлари йўлга қўйилган. Жумладан, ўрмон хўжаликларининг “ўрмон бўлимлари”, “ўрмон кварталлари”, “ўрмонли ерлар”, “ўрмонсиз ерлар” мавзули қатламларини космик суратлардан фойдаланган ҳолда Давлат ўрмон кадастри объектлари тўғрисидаги янгиланган электрон вариантдаги маълумотлари Кадастр агентлиги Кадастрлар Палатасининг Давлат кадастрлари ягона тизимининг маълумотлар базасига киритиш учун янгиланган маълумотлар базасига мунтазам равишда тақдим этиб борилмоқда.

2023 йилда Ўрмон хўжалиги агентлиги тизимида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги “Ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–4850-сон қарорига мувофиқ фойдаланилмаётган 7012 гектар ўрмон фонди ерлари ўзлаштирилди. Республикада экологик вазиятни барқарорлаштириш мақсадида 235 минг гектар майдонда ўрмон барпо қилиш ва қайта тиклаш тадбирлари амалга оширилди.

Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида қум кўчиши ҳамда атмосфера ҳавосига чанг-туз кўтарилишини бартараф этиш мақсадида жами 220 минг гектар жумладан, Мўйноқ туманида 128 минг гектар, Бухоро вилоятида 43 минг гектар, Навоий вилоятида 24 минг гектар ва Хоразм вилоятида 10 минг гектар майдонда саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан “яшил қопламалар” барпо этилди. Ўрмон хўжаликлари томонидан 1 100 тонна чўл ва бошқа турдаги дарахт ва буталарнинг уруғлари жамғарилди. Ниҳолхона ва кўчат хоналарнинг умумий майдони 1 300 гектарга етказилиб, 120 млн дона тупроқ-иқлим шароитга мос манзарали, мевали дарахт ва буталарнинг ниҳол ва кўчатлари, шундан, 32 млн дона тут ниҳол ва кўчатлари, 14 млн дона терак ва павловния ниҳол ва кўчатлари етиштирилиши таъминланди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2023 йил куз мавсумида 31 млн дона иқлим шароитига мос манзарали, мевали дарахт ва буталарнинг кўчат ва қаламчалари шундан, республика бўйича 9443 та маҳаллаларга 2 млн дона, 6739 та мактабгача таълим ташкилотларига 813 минг дона кўчатлар бепул етказиб берилди. Лойиҳа ҳужжатлари асосида республикамизнинг 134 та туман ва шаҳарларида 347 гектар ҳамда Зомин давлат ўрмон фонди ерларида 110 гектар жами 457 гектар майдонда “яшил боғлар” барпо этиш ишлари амалга оширилди.[11]

Тошкент-Самарқанд темир йўлининг Сирдарё вилоятидан ўтувчи қисмида жойлашган 64 км ҳудудда 91 минг дона, Жиззах вилоятидан ўтувчи 62,0 км ҳудудда 127 минг жами, 218 минг дона ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос кўчатлар экиш ишлари амалга оширилди.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари дала четларида 2500 гектар майдонда ихота дарахтзорлари барпо этилиб, 5 млн. дона кўчатлар экилди. Хусусий сектор субъектлари билан биргаликда майда шохли чорва моллари сони 170 минг бошга, парранда сони 1 млн 200 минг донага, асалари оиласи сони 220

минг донага етказилди. Нукус шаҳри атрофида 5 км, Урганч шаҳри ва Урганч-Гурлан автомобил йўли атрофида 5 км масофада каталпа, қайроғоч, япон сафораси каби дарахтлар кўчатлари экилиб, “яшил белбоғлар” барпо этилди.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш ва сақлаш мақсадида тизим ташкилотлари томонидан 94 минг гектар майдонда ўрмон касаллик ва зараркунандаларига қарши кураш ишлари ўрганилиб, 66 минг гектар майдонда кураш ишлари олиб борилди. Ўрмон ёнғинларини олдини олиш ишларини мувофиқлаштириш мақсадида Агентлик ва тизим ташкилотларида ёнғин келиб чиқиш хавфи юқори бўлган мавсумда узлуксиз навбатчилик ташкил этилди. Ўрмон ҳудудларида яшовчи аҳоли ва ўрмонга ташриф буюрувчилар учун ўрмондан тўғри фойдаланиш, ўрмон ёнғинларини содир этилишини олдини олиш мақсадида 2000 дан ортиқ огоҳлантирувчи баннерлар жойлаштирилди. 5 минг 280 гектар майдонда доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантацияси ташкил этилиб, 9 062 минг тонна хомашё етиштирилди. 2023 йилда 18,7 млн.доллар қийматдаги 3 та грант лойиҳаси бўйича келишув имзоланди.

Ўрмон фонди ерларидаги экотуризм объектлари сони 280 тага, эко маршрутлар сони 38 тага, ташриф марказлари сони 5 тага етказилди. Олинадиган ялпи даромад 320 млрд сўмга етказилди. Ўрмон маҳсулотлари бўйича Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 8,8 трлн сўмга етказилди. Ўрмон хўжаликлари тизимида 7,8 минг нафар янги иш ўринлари яратилди[12].

Ўрмонларни муҳофаза қилиш соҳасида прокурор назоратини кучайтиришга келсак, бу жараёнга таъсир этувчи омилларнинг икки гуруҳини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Биринчи гуруҳ, бу давлатнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, ушбу соҳадаги экологик вазиятнинг ёмонлашуви, сўнгги 8 йил ичида ўрмонларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли органларнинг доимий ва ҳар доим ҳам асосли бўлмаган ислоҳ қилиш тенденцияси билан боғлиқ бўлган.

Иккинчи гуруҳ, бу Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан ўрмонларни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назоратини кучайтириш ва тўғри ташкил этилишини таъминлаш учун тегишли соҳавий буйруқларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ички омиллар. Шу билан бирга, прокуратура томонидан коррупция билан боғлиқ бўлган бошқа омилларни ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан талаблар қўйиш протестлар бериш йўли билан амалга оширилади.

Бундан ташқари, ўрмон хўжалиги органлари ва дарахт кесиш тегишли ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан ўз мансаб ваколатларини лозим даражада бажармаганлиги билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу эса, хизмат мавқеидан фойдаланиб, содир этиладиган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини сезиларли даражада оширади. Шу муносабат билан назорат ҳолатини белгилайдиган мезонлар ҳақида шунингдек, прокурорлар томонидан ўрмон қонунчилиги ижросини назорат қилишда аниқланган энг тез-тез ўзгарадиган қоидабузарликлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Прокурорлар томонидан ўрмонларни муҳофаза қилиш ва асраш соҳасидаги қонунлар ижросини назорат қилиш жараёнида кўплаб қонун бузилиш ҳолатлари аниқланмоқда. Биз одатий қоидабузарликларни қуйидагича тавсифлашни зарур, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, ўрмон ёнғинларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар. Прокурорлар томонидан ўрмонларни муҳофаза қилиш ва асраш тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг салмоғи юқори ҳисобланади. Ўтказилган сўровнома яқунлари бўйича 30% қатнашувчилар ўрмонларни ёнғинлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш даражасини паст деб ҳисоблашади ва бу соҳада назоратни ошириш зарур деб ҳисоблашади. Бунга асосий сабаб, ўрмон ёнғинлари натижасида атроф муҳитга жуда кўп зарар етади, улардан баъзилари - ёввойи ҳайвонлар яшаш муҳитини йўқотиши, ўсимликлар, ҳайвонлар ва озуқавий моддаларга бой юқори тупроқнинг йўқ бўлиши, ўрмон қопламининг қисқариши, қимматбаҳо ёғоч ресурсларининг йўқолиши, озон қатламининг емирилиши, қабилаларнинг яшаш воситаларининг йўқолиши, глобал ҳароратнинг ошиши, атмосферада карбонат ангидрид миқдорининг кўпайиши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши, касалликларнинг кўпайиши кабилардир[13].

Хорижий экспертларнинг таъкидлашича, ўрмон ёнғинларининг кенг тарқалишининг бир неча сабаблари мавжуд бўлиб, уларга - ўрмон ёнғинларини тез ўчириш учун зарур бўлган ўрмон йўллари тармоғининг йўқлиги, тозалашнинг паст интенсивлиги туфайли ўрмонларда қуруқ ёғочнинг мавжудлиги ва одамларнинг масъулиятсиз хатти-ҳаракатлари киришини санаб ўтишган[14].

Ушбу назорат йўналишини амалга оширишда прокурорлар томонидан аниқланган қоидабузарликларнинг тарқалишининг бошқа сабаблари ҳам мавжуд. Масалан, ўрмон ёнғинлари натижасида юзага келадиган ўта салбий оқибатлар натижасида йўқ қилинган ёки зарар кўрган ўрмоннинг катта майдонлари, ўрмонга ва бутун табиий тизимга жиддий экологик зарар етказади. Шу сабабларга кўра, прокурорлар ўрмонларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг бузилишига алоҳида эътибор беришмоқда. Аммо бизнинг фикримизча, бу оқибатлар ўрмонларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг бошқа тоифаларига ҳам хосдир.

“Ўрмон тўғрисида”ги қонунда ўрмонларни ноқонуний кесишдан ҳимоя қилиш тўғрисида норма берилган, аммо биз бунинг нормага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси даражасида ташкилий-маъмурий ҳужжат чиқариш орқали назоратни янада самарали амалга оширишимиз ҳамда бу соҳадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришимиз мумкин. Бу ҳужжат орқали прокурорларнинг эътиборини ўрмонларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни назорат қилиш фаолиятига жалб қилиш мумкин бўлади. Жумладан, ўтказилган сўровномада 69% қатнашчилар Бош прокурорнинг амалдаги буйруқ ва топшириқлари ўрмонларни назорат қилиш соҳасида назоратни самарали амалга ошириш учун етарли эмас дейишган[15].

Прокурорлар томонидан аниқланган ушбу гуруҳга кирувчи ҳуқуқбузарликларга келсак, улар қуйидагилардан иборат:

ўрмон ёнғинлари билан қопланган майдонлар тўғрисида тегишли органларга нотўғри маълумотлар тақдим этиш;

ўрмон ёнғинларини ўчириш бўйича йиғма режалар лойиҳаларини ўз вақтида ишлаб чиқмаганлиги;

ўрмон фойдаланувчилари томонидан ўрмонларни ёнғиндан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари ва ижара шартномалари

шартлари (ўрмон майдонларини дарахт кесиш, қолдиқларидан тозаласлиги ва бошқалар) устидан назоратнинг йўқлиги;

ўрмонларни ривожлантириш лойиҳалари йўқлиги ёки уларнинг қонунчилик талабларига мос келмаслиги, ўрмонни ривожлантириш лойиҳаси бўйича давлат экспертизасининг хулосаси бўлмаганлиги;

ўрмон ёнғинларини аниқлаш ва уларни тезда бартараф этиш учун моддий-техник базани яратиш бўйича зарур даражада чоралар кўрмаслиги;

ўрмон йўллари қуриш, тозалаш, ёнғинга қарши тўсиқлар ётқизиш, ёнғинга қарши минераллаштирилган чизиқлар қуриш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилмаслиги;

ёнғинни ўчириш учун сув олиш учун шароитларнинг етарли даражада таъминланмаганлиги ёки умуман таъминланмаганлиги;

қуруқ ўтларнинг назоратсиз ёниши ва бошқалар.

Прокурорлар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳаракатларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича бирламчи чора-тадбирлар кўрилмаганлиги бўйича ҳуқуқбузарликлар аниқланса, прокурорлар аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар билан бир қаторда, айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш амалиётидан самарли фойдаланадилар. (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 84-моддаси)[16].

Ўрмонларни ёнғинлардан ҳимоя қилиш бўйича қонунларнинг бузилишини аниқлашда прокурорлар мавжуд бўлган барча воситаларидан кенг фойдалананишлари зарур. Қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш, айбдорларни тегишли жавобгарликка тортиш, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги аризалар билан судга мурожаат қилиш шулар жумласидандир.

Ўрмон ёнғинлари ҳар доим ҳам содир бўлмагани учун, ўрмон ёнғинларининг барча ҳолатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий баҳо бериш керак. Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш, айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги маъмурий баённомаларни ҳам ўз вақтида кўриб чиқиш прокуратура органларининг эътиборидаги масала бўлиши лозим.

Иккинчидан, ўрмонларни ноқонуний кесишдан муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар. Ушбу тоифадаги қонун бузилишлари атроф-муҳитга ҳам, мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўта зарарли ҳисобланади. Ўрмонларни ноқонуний кесиш йилдан-йилга кўпаймоқда ва уларнинг содир этилиши натижасида етказилган зарар ниҳоятда улкандир.

Прокуратура органлари томонидан ўрмонларни ноқонуний кесишдан муҳофаза қилиш соҳасида тегишли жисмоний ва юридик шахслар томонидан содир этилган жиноятларни аниқлаш бўйича текширувлар ўтказилади. Шу билан бирга, прокурорларнинг ўзлари ҳам, жумладан, уларни аниқлаш усулларини такомиллаштиришда фаол иштирок этадилар. Прокуратура органлари ўрмонларни муҳофаза қилиш соҳасида ваколатли органлар билан биргаликда ҳар йили ўрмон плантацияларининг ноқонуний кесилишини аниқлаш учун ўрмон шароитининг масофавий космик мониторинги натижаларидан фойдаланадилар.

Аммо бундай тизимлардан фойдаланиш маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради, яъни маълумотни қабул қилишда қайта ишлаш ва уни жўнатишда ортиқча вақт кетиши сабабли, ваколатли органлар дарахт кесиш жойларига борганларида, кўпинча жиноят излари йўқолади.

Таъкидлаш жоизки, ўрмонларни муҳофаза қилиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, жиний ва маъмурий жавобгарликни белгиловчи нормалар ҳаддан ташқари содда, табиий ресурсларга етказилган зарар даражасига номутаносибдир. Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш кераклиги тўғрисида сўровномада иштирок этганларнинг 63 % қўллаб-қувватлади[17].

Шу муносабат билан биз, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг ноқонуний дарахт кесишга оид 84-моддасида берилган жарималар миқдорини сезиларли даражада оширишни ва маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо чораларини кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари "Ўрмон тўғрисида"ги қонунда "ўрмон плантацияларини ноқонуний кесиш" концепциясининг қонунчилик билан мустаҳкамланишини ва бунинг олдини олиш механизмини батафсилроқ ишлаб чиқишимиз зарур. Жиноят кодексининг 198-моддаси қишлоқ хўжалиги ерларида жойлашган ўрмон плантацияларини ноқонуний кесиш учун жавобгарликни жорий этиш бўйича қўшимча моддага қисм киритиш орқали Ўзбекистонда ноқонуний дарахтларни кесиш миқдорини камайтиришга эршиш мумкиндир.

Учинчидан, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва асраш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун маблағларни ажратиш ва сарфлашда Ўзбекистон Республикаси бюджет қонунчилигини, шунингдек давлат буюртмаларини жойлаштириш ва бажариш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Ушбу қоидабузарликлар одатда ахборот таъминотининг етарли даражада эмаслиги (аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномаларни жойлаштириш ва эълон қилиш шартлари ҳамда тартибини бузиш), шартномаларнинг хабарнома шартларига риоя қилмаслик, ўтказиш бўйича шартномаларнинг бажарилишида ўрмонларни муҳофаза қилиш чоралари ёки бажарилган ишлар натижалари тўғрисида била туриб ёлғон маълумотларни қабул қилиш ва топшириш актларига киритиш назоратнинг йўқлиги ҳисобланади.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш бўйича давлат шартномаларининг талаб даражасида бажарилмаганлиги, улар доирасида ёнғинга қарши тадбирлар етарлича ўтказилмаётгани ўрмон ёнғинларининг катта майдонларда тарқалишининг сабабларидан бири ҳисобланади.

Тўртинчидан, ўрмонларни зараркунандалардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш.

Бу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар ўрмонларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати амалиётида энг озчиликни ташкил қилади. Бунинг ўтказилган сўров натижалари ҳам тасдиқлайди, уларнинг атиги икки фоизи ушбу назорат соҳасига эътибор қаратилаётганини таъкидлаган[18].

Бешинчидан, давлат ўрмон назоратини амалга оширишга ваколатли органлар томонидан юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини

текширишни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини ёки уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи қонун ҳужжатларини бузиши.

Ўрмондан фойдаланувчиларни текшириш графиги тўғрисида хабардор қилиш тартиби ва муддатларининг энг кўп бузилиши, текширишлар натижаларини қайд этиш ва текширишлар давомида аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан чоралар кўриш тартиби, аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишни талаб қилувчи буйруқлар ҳар доим ҳам берилмаслиги, чиқарилган буйруқларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотнинг мавжуд эмаслиги шулар жумласидандир.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган нормаларни бузиш. Ўрмон хўжалиги соҳасида назоратни амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари ноқонуний дарахт кесиш фактини аниқлаганда, ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги” кодексида назарда тутилган маъмурий жавобгарлик мавжудлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқмайди. Хусусан, ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроллари, ёғочни кесиш усуллари ҳақида тушунтиришлар олинмайди. Айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликдан озод қилиш фактларига текшириш материалларини ваколатли органларга юбормаслик йўли билан амалга оширилади.

Еттинчидан, ўрмонларни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа ҳуқуқбузарликлар.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа ҳуқуқбузарликларга ўрмонларнинг маиший чиқиндилар билан ифлосланиши, ўрмонларни полигонлардан тозалаш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўрмаслик киради. Жумладан, устувор инвестиция лойиҳаларида назарда тутилган ўрмонларни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш муддатлари кўп ҳолларда бузилади ва бу чора-тадбирлар тизимли равишда тўлиқ амалга оширилмасдан қолади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 76-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 декабрдаги 993-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисида низом ижарага бериш шартномасини тузиш учун асос бўлади. Бинобарин, “Ўрмон тўғрисида”ги қонун 8-моддасига кўра, ўрмон фонди ерлари қонунчиликда белгиланган тартибда давлат ўрмон хўжалиги органларига, давлат органлари, муассасалари ва корхоналарига доимий фойдаланишга, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларга ижарага берилиши мумкин.

Ҳуқуқий соҳа мониторинги шуни кўрсатадики, мазкур соҳада қонунийликни таъминлаш ва изчил ривожлантириш йўналиши бир қатор объектив ва субъектив тўсиқларга дуч келмоқда. Энг долзарб ва салбий таъсир кўрсатувчи муаммолар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- асосий масалалардан бири мақсадли кўрсаткичларнинг юридик мажбурийлигини, рақамли мониторингнинг верификацияланишини ва назорат қилувчи органлар учун бирламчи маълумотларнинг процессуал очиқлигини таъминлайдиган комплекс ҳуқуқий, ташкилий-технологик ва процессуал механизмнинг мавжуд эмаслигидандир. Амалда, мақсадли кўрсаткичлар ягона ҳисобга олиш усуллари, дастлабки маълумотлар реестрлари ва тартибга солинган

текшириш тартиб-қоидалари йўқлиги сабабли декларатив бўлиб қолмоқда, бу эса кўрсаткичларни ҳуқуқий стандарт мақомидан маҳрум қилмоқда. Рақамли ёзувлар мақомининг ҳуқуқий ноаниқлиги ва уларнинг яхлитлиги, ҳақиқийлиги ва сақланишига техник талабларнинг йўқлиги (геобоғланиш, вақт белгилари, криптографик имзолар, ўзгармас ёзувлар журналли, сақлаш занжири) мониторинг маълумотларини баҳслашиш ва манипуляцияга моил қилади. Институтсионал жавобгарликнинг тарқоқлиги ва маълумотлар алмашинувининг ишлаб чиқилмаган қоидалари прокуратуранинг платформа маълумотларига тезкор киришига тўсқинлик қилади ва суд-техник экспертизасини ўтказишни қийинлаштиради. Мониторингнинг кадастр ва молия-бюджет регистрлари билан интеграция қилинмаганлиги назоратни бажарилган ишлар ҳажмини харажатлар билан таққослаш имкониятидан маҳрум қилади, коррупция ва маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш учун замин яратади. Назорат органларининг чекланган техник ва эксперт тайёргарлиги, шунингдек, захира сақлаш ва ахборот хавфсизлигини тартибга солишдаги бўшлиқлар рақамли назоратнинг исботловчи кучини янада заифлаштиради. Умуман олганда, ушбу омиллар прокурор назорати самарадорлигига сезиларли даражада путур етказиши ва ўрмонларни қайта тиклаш ва чўлланишга қарши курашиш вазифаларига эришишни хавф остига қўяди.

- кейинги масалалардан бири бу ўрмон фонди мониторингидан олинган рақамли маълумотларнинг ҳуқуқий тан олинishi ва процессуал қўлланилишини таъминловчи меъёрий-техник механизм мавжуд эмаслиги, бу эса уларни низолашиш ва бузиб кўрсатиш имкониятини яратади. Камчиликлар қуйидагиларда намоён бўлади: маълумотларни шакллантиришнинг белгиланган стандартлари (геоманзил, вақт белгилари, ижрочилар ва қурилмалар идентификаторлари) йўқлиги; маълумотлар яхлитлигини криптографик ҳимоя қилиш тизими мавжуд эмаслиги; ўзгармас ёзувлар журналларини юритиш ва маълумотлар занжири (chain-of-custody) қоидалари ишлаб чиқилмаганлиги; ускуналарни сертификатлаш, дала текширувини ўтказиш тартиби ва дастлабки материалларни сақлаш муддатларига қўйиладиган талабларнинг аниқ белгиланмаганлиги, ёзувларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш ва мустақил текшириш механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги уларнинг исботловчи кучини пасайтиради. Назорат органларининг платформа маълумотларига (API, юклаб олиш, аудит журналлари) тезкор кириши бўйича аниқ қоидаларнинг йўқлиги прокурор назорати ва суд-техник экспертизаси имкониятларини чеклайди. Ушбу ҳолатлар биргаликда маълумотлар билан манипуляция қилиш ва расмийчилик хавфини туғдиради, рақамли мониторингнинг бюджет ҳисоботи билан боғлиқлигига путур етказиши ҳамда ўрмонларни тиклаш ва чўлланишга қарши кураш дастурларининг самарадорлигини пасайтиради.

Юқоридаги ҳолатлар ва ушбу соҳадаги қонунийлик аҳволини чуқур таҳлил асосида қуйидаги назарий-амалий хулосалар ва таклифлар тўпламини шакллантириш мумкин:

биринчидан, ўрмон хўжалиги соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш мақсадида ўрмонларни кўпайтириш ва чўлланишга қарши курашиш бўйича аниқ мақсадли кўрсаткичларни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлигини баҳолашнинг

ўлчанадиган мезонларини шакллантириш ва уларнинг бажарилишини тегишли даражада назорат қилишни таъминлайди. Шу билан бирга, Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги қошидаги "Ўрмонтехносервис" давлат унитар корхонаси негизида ихтисослаштирилган давлат муассасаси - Ўрмон хўжалигини рақамлаштириш марказини ташкил этиш лозим. Унга "Ақлли ўрмон хўжалиги" (Smart forestry) ахборот платформасини бошқариш вазифалари юкланиши лозим.

Ушбу Марказнинг ташкил этилиши соҳадаги рақамлаштириш жараёнларини техник жиҳатдан амалга ошириш учун масъулиятни институтционал тарзда мустақкамлайди, стандартларнинг ягоналигини таъминлайди, кадастр манбалари билан интеграциялашувни амалга оширади, шунингдек, ўрмон ресурсларини мониторинг қилиш ва бошқаришнинг рақамли тизимларининг барқарор ишлашини кафолатлайди. Прокурор назорати нуқтаи назаридан, меъёрий ҳужжатларда Марказнинг аудит журналларини юритиш ва сақлаш, шунингдек прокуратура органларига ахборот платформаси маълумотларига (жумладан API ва маълумотларни юклаб олиш имкониятига) тезкор киришни таъминлаш мажбуриятини белгилаш зарур. Бу тақдим этилаётган маълумотларнинг ишончлилигини самарали текшириш ва қонун ҳужжатлари бузилиши белгилари аниқланган тақдирда суд-техник экспертизаларини ўтказиш имконини беради;

иккинчидан, Рақамлаштириш маркази томонидан бошқариладиган "Ақлли ўрмон хўжалиги" ахборот платформаси маъмурий, фуқаролик ва жиноят процессларида унинг ёзувларининг мақбуллик мезони ва далилий кучи кўрсатилган ҳолда ўрмон фонди мониторингининг расмий давлат реестри сифатида норматив тан олиниши керак. Рақамли маълумотларга юридик куч бериш учун уларни шакллантириш ва текширишга қўйиладиган талабларнинг тўлиқ рўйхатини қонуний равишда белгилаш зарур: аниқлик кўрсатилган ҳолда мажбурий GPS геобоғланиши, ўзгармас вақт белгилари бўлган фотоматериаллар, ижрочилар ва операциян қурилмаларнинг ноёб идентификаторлари; яхлитликнинг криптографик механизмларини қўллаш (хешлаш, рақамли имзо, ишончли вақтга боғлаш) ва барча ўзгаришлар, кириш ва операцияларни қайд этувчи ўзгармас ёзувлар журнали (WOPM-омбор ёки унга тенглаштирилган технология). Норма, шунингдек, асбоб-ускуналар ва дастурий таъминотни сертификатлаштириш стандартларини, далада текшириш тартиб-таомилларига (танлаб текшириш, фото-назорат, далолатномаларни қайд этиш) қўйиладиган талабларни, далилларни сақлаш занжирини (чаин-оф-сустодй) шакллантириш тартибини ва дастлабки маълумотларни захира нусхалаш ва геотақсимланган архивлаш билан сақлаш муддатларини назарда тутиши керак. Ёзувнинг юридик жиҳатдан тан олиниши унинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш тартиб-таомилини назарда тутати: Марказ томонидан чиқариладиган метамаълумотларнинг экспорт пакетини криптографик далиллар, масъул операторларни текшириш ва идентификатсиялаш далолатномаси билан бирга тақдим этиш; бундай тасдиқларнинг йўқлиги ёзувни процессуал фойдаланиш учун ҳақиқий эмас деб топади. Қалбакилаштиришнинг олдини олиш учун аудиторларни ташқи аккредитациядан ўтказиш ва маълумотларни вақти-вақти билан мустақил текшириш механизмларини, шунингдек, маълумотларни қасддан бузиб кўрсатганлик учун жазо чораларини, шу жумладан низоли ҳисоботларни вақтинча

тўхтатиб туриш ва масъул шахс ҳисобидан такрорий мустақил текширув ўтказиш мажбуриятини назарда тутиш лозим. Самарали прокурор назоратини таъминлаш учун норматив ҳужжат прокуратура органларининг платформа маълумотларига (шу жумладан API ва стандартлаштирилган форматдаги юклаб олишларга) тезкор кириш ҳуқуқини, Марказнинг сўров бўйича аудит журналларини сақлаш ва тақдим этиш мажбуриятини ва назорат органларининг сўровларига жавоб беришнинг белгиланган муддатини, шунингдек, рақамли изларнинг криминалистик экспертизасини бошлаш ва сохталаштириш белгилари аниқланганда процессуал чора-тадбирларни қўзғатиш имкониятини белгилаши шарт. Бундай ҳуқуқий ва техник чоралар биргаликда рақамли мониторингнинг исботлаш кучини расмийлаштиради, процессуал низолар учун жойни минималлаштиради ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан самарали прокурор назорати учун ишончли асос яратади.

учинчидан, давлат ўрмон хўжаликларини ихтисослаштириш тизимини қонун йўли билан мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини "илм-фан - лойиҳалар - амалиёт" тамойили асосида олиб бориш мажбуриятини юклаш лозим бўлиб, бу эса функцияларни тақсимлаган ҳолда хўжаликларнинг расмий рўйхатларини тасдиқлашни (масалан, чўлланишга қарши курашувчи хўжаликлар, доривор ва зиравор ўсимликлар етиштирувчи ихтисослашган хўжаликлар, кўчатхоналар ва ҳоказо) ҳамда илмий ишланмаларни амалий фойдаланишга ўтказиш тартибини белгилашни назарда тутди. Ушбу тамойилни амалда қўллаш қуйидагиларга асосланиши лозим: илмий ташаббусларни танлов асосида саралаш, олдиндан белгиланган услубий протоколлар ва самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари (KPI) билан мажбурий тажриба-синов лойиҳаларини ўтказиш, тажриба-синов натижаларини давлат экспертизасидан ўтказиш ҳамда фақатгина самарадорлиги ва иқтисодий мақсадга мувофиқлиги тасдиқланган ҳоллардагина босқичма-босқич жорий этиш.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш соҳасида қонунийлик даражасини реал ошириш учун ҳуқуқий ислоҳот, институционал қайта ташкил этиш, рақамли мониторингнинг техник стандартларини жорий этиш ва мақсадли кадрлар ташкилий сиёсатини бирлаштирган комплекс ёндашув зарур. Фақат ҳуқуқий, технологик ва бошқарув чораларининг уйғунлиги ўрмон фондининг барқарор ҳимоясини таъминлайди ва прокуратурага тегишли тезкорлик, далилларга асосланган ишончлилик ва профилактик самарадорлик билан назоратни амалга ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Капинус О.С. Анализ состояния законности и порядка прокуратурами субъектов Российской Федерации. – М.: Акад. Ген. прокуратуры РФ, 2012. – С. 11.
2. Законность в Российской Федерации. – М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации, НИИ Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2008. – С. 17-21.
3. Прокурорский надзор: учебник / под ред. Ю.Е. Винокурова. – М.: Юрайт-Издат, 2007. – С. 78.

4. Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. – М.: Зерцало, 1997. – С. 284.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон.
6. Казарина А.Х. Прокурорский надзор. Экономика. Законность. – М.: Акад. Ген. прокуратуры РФ, 2007.
7. Капинус О.С. Анализ состояния законности и правопорядка прокуратурами субъектов РФ. – М.: Акад. Ген. Прокуратуры РФ, 2012. – С. 323.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги директори Н.Бакировнинг “Ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш ҳолати тўғрисида”ги ахбороти. Электрон манба: <https://urmon.gov.uz/uploads/Malumot-2023-2024-yillarda.pdf> (мурожаат вақти: 08.02.2024).
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги директори Н.Бакировнинг “Ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш ҳолати тўғрисида”ги ахбороти. Электрон манба: <https://urmon.gov.uz/uploads/Malumot-2023-2024-yillarda.pdf> (мурожаат вақти: 08.02.2024).
10. Географик ахборот тизими (географик ахборот тизими, ГИС) фазовий (географик) маълумотларни ва зарур объектлар тўғрисидаги тегишли маълумотларни йиғиш, сақлаш, таҳлил қилиш ва график тасвирлаш тизимидир.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги директори Н.Бакировнинг “Ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш ҳолати тўғрисида”ги ахбороти. Электрон манба: <https://urmon.gov.uz/uploads/Malumot-2023-2024-yillarda.pdf> (мурожаат вақти: 08.02.2024).
12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги директори Н.Бакировнинг “Ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш ҳолати тўғрисида”ги ахбороти. Электрон манба: <https://urmon.gov.uz/uploads/Malumot-2023-2024-yillarda.pdf> (мурожаат вақти: 08.02.2024).
13. 2024 йил 1 мартдан 20 мартга қадар <https://forms.gle/Yt5Vvh528cBjiSe49> ҳаволаси орқали Интернет тармоғида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари.
14. Макаре С.В. Ключевые элементы для совершенствования экономико-правового механизма реализации национального лесного потенциала. – М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации; ИД «Юриспруденция», 2012. – С.42-43.
15. 2024 йил 1 мартдан 20 мартга қадар <https://forms.gle/Yt5Vvh528cBjiSe49> ҳаволаси орқали Интернет тармоғида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари.

16. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.03.2024 й., 03/24/916/0167-сон

17. 2024 йил 1 мартдан 20 мартга қадар <https://forms.gle/Yt5Vvh528cBjiSe49> ҳаволаси орқали Интернет тармоғида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари.

18. 2024 йил 1 мартдан 20 мартга қадар <https://forms.gle/Yt5Vvh528cBjiSe49> ҳаволаси орқали Интернет тармоғида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари.